

# AGRO IQTISODIYOT

MAXCYC SOH, 2019



# Agroqtisodiyot

илемий-амалий агроиқтисодий журнал

## МУНДАРИЖА

3. Қ.ЧОРИЕВ. Улут инсон ва машхур олим ҳёти ва фаолиятига оид чизигилар
7. Н.ХУШМАТОВ. Fўза қандаласига қарши курашда хўжалик ва иқтисодий самарадорликни ҳисоблашнинг услубий жиҳатлари
10. А.ХЎЖАБЕКОВ. Чорвачилик кластерларининг ташкил этилиши ва унда деҳқон хўжаликларининг ўрни
14. Н.МАХМАСОБИРОВА. Иқтисодий кластернинг моҳияти, ўзига хос хусусиятлари ва назарий асослари
19. Ф.ЮСУПОВА. Формирование и развитие кооперационных отношений при применении технологии капельного орошения в сельском хозяйстве
24. Х.ЯНГИБОЕВ. АСМ тармоқларида кооперация ва интеграцион жараёнларини шакллантириш ва ривожланиши низарий жиҳатлари
29. Г.АДИЛОВА. Рақамили иқтисодиётни шакллантириш хусусиятлари ва концептуал асослари
33. У.ХУСАНОВ. Рақамили иқтисодиёт ва унинг ривожланиши тенденциялари
37. Ж.КУЧАРОВ. Рақамили қишлоқ хўжалиги ва уни малакали қадрлар билан таъминлаш масалалари
41. Ў.МУХТОРОВ, Р.ЖУМАНИЯЗОВ, З.МАШАРИПОВ. Ер участкалари, бино ва иншоотларни идентификациялаштизими ва уларнинг шакллантирилиши
45. Ф.ДУСМУРАТОВ. Уруғчиликни ривожланишида давлат-хусусий шерикчилиги модели
50. Қ.УТЕГЕНОВ. Қишлоқ хўжалигида давлат-хусусий шерикчилиги лойиҳаларини амалга оширишнинг Евropa тажрибаси
57. И.РУСТАМОВА, Ф.ГАЛИМОВА. Инновацион фаолият самарадорлитини баҳолашнинг ўзига хос хусусиятлари
60. Ш.ЭРМАМАТОВ. Ўзбекистон ҳудудларининг инновацион фаоллигини ошириш йўллари
64. Г.САТТИКУЛОВА. Ижтимоий соҳага инновациялар жорий этишининг аҳамияти ва йўналишлари
67. Д.ХУСАНОВ. Қишлоқ хўжалиги тармоғига киритилган инвестицияларнинг эконометрик таҳлили
73. Е.ҚУДРАТОВ, Б.АЗИЗКУЛОВ. Пахтачилкда агротехник тадбирлар иқтисодий самарадорлитини ошириш
77. Б.ШАРИПОВ. Бозор муносабатлари шароитида тадбиркорликнинг ташкилий-хукуқий шакллари ва аҳамиятли жиҳатлари
80. А.ЭШЕВ. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг рақобатбардошлигини ошириш ва унинг стратегик ёндашувлари
83. Д.ЖАЛОЛОВА. Тармоқ рақобатбардошлигини оширишда соҳага киритилган инвестицияларнинг мониторингини юритиш
85. Д.ТАДЖИБЕКОВА, В.НУРИТДИНОВА. Маҳаллий бюджетлар молиявий мустақиллигини таъминлаш масалалари
88. Н.ДЕҲКАНОВА. Тадбиркорликни инновацион ривожланишишнинг устувор йўналишлари

## УРУГЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЧИЛИГИ МОДЕЛИ

**Фанийбай ДУСМУРАТОВ,**

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти  
и.ф.н., доцент.

**Аннотация:** Мақолада ургучиликнинг замонавий тизимини ривожлантириш масалалари тадқиқ этилган. Селекция ва ургучиликни муваффақиятли ривожлантириш зарурлиги асослаб берилган. Муаллиф томонидан ташкилий, техник, технологик, маҳсулот йўналишлари бўйича давлат-хусусий шерикчилиги механизми модели ишлаб чиқилган.

**Аннотация:** В статье исследованы вопросы развития современной системы семеноводства. Обоснована необходимость успешного развития селекции и семеноводства. Автором разработана модель механизма государственно-частного партнерства по организационным, техническим, технологическим и продуктивным направлениям.

**Abstract:** The article explores the development of modern seed production systems. The necessity of successful development of breeding and seed production has been substantiated. The author has developed a model of the mechanism of public-private partnership in organizational, technical, technological and productive areas.

**М**амлакатимизни янада ривожлантириш бўйича қабул қилинган Ҳаракатлар стратегияси доирасида барча соҳалар қатори қишлоқ хўжалигида ҳам тизимли ислоҳотлар изчил амалга ошириб борилмоқда. Хусусан, экин майдонларини бозор талаблари асосида мақбуллаштириш ва жойлаштириш, республиканизмнинг турли табиий иклими минтақаларига мосланган янги тезпишар, серҳосил, интенсив навларини кўпайтириш, қишлоқ хўжалигини серҳосил ва юқори сифатли ургучилар билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Мамлакатимиз ва дунё миқёсидаги қимматли генофондни сақлаб қолиш ҳамда ундан самарали фойдаланиш, жаҳон тажрибаси ютуқларини ургучилигимиз амалиётига кенгроқ жорий этиш, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари уруғларини етиштириш, тайёрлаш, қайта ишлаш, сақлаш, реализация қилиш ва улардан фойдаланишда ургучилик соҳасидаги қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш масалалари муҳим ўрин тутади.

Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистон Республикасининг “Ургучилик түғрисида”ги қонунининг [1] қабул қилиниши қишлоқ хўжалигига олиб борилаётган тизимли ислоҳотларга ҳамоҳанг бўлиб, ургучиликнинг норматив-хуқуқий базасини янада такомиллаштириш, соҳага замонавий инновацион лойиҳаларни жорий этиш, уруғлик генофон-

дини сақлаш, уруғлик тайёрлайдиган ва уни қайта ишлайдиган корхоналар тармогининг самарадорлигини янада ошириш, уруғларни реализация қилиш ва унинг экспорт кўламини кенгайтиришга хизмат қиласди.

Ургучиликда асл навларни яратиш мақсадида, тажриба-селекция ишларини тубдан жонлантириш лозим. Бунинг учун ургучилик ва селекция билан шуғулланадиган институтларнинг моддий-техник базасини яхшилаш, давлат-хусусий шериклик асосида ургучилик кластерларини ташкил қилиш талаб этилади [2].

Бугунги кунда давлат-хусусий шериклик шартлари асосида қишлоқ хўжалиги экинлари уруғларини етиштириш бўйича Бухоро, Қашқадарё, Наманган, Самарқанд, Сурхондарё ва Фарғона вилоятларида ургучилик кластерларини ташкил этилмоқда [3]. Ушбу вилоятларда 15 та ургучилик кластерлари ташкил этилиб, 68,4 минг гектар пахта, 22,9 минг гектар ғалла, 9,8 минг гектар бошқа экинларнинг уруғлик майдонлари ажратилади.

Ургучилик кластерларининг асосий вазифалари ва фаолияти йўналишларидан асосийси давлат ва халқаро стандартлар талабларига мувофиқ, шу жумладан, ҳимояланган майдонларда, гидропоника ва аэропоника технологияларини қўллаган ҳолда техник, дон, дуккакли дон, сабзавот, полиз ва бошқа экинлар уруғларини етиштириш, тайёрлаш ва сотиш

**Калит сўзлар:** давлат-хусусий шерикчилиги, модель, кластер, ургучилик, мақбуллаштириш, интенсив навлар, инновация, селекция, экспорт, механизм, илмий-тадқиқот институтлари

## Давлат-хусусий шерикчилиги

белгиланган.

Селекция ва уруғчилик ўзида – илмий тизим элементларини ва уруғчиликнинг куйи тармоғини – маълум функцияларни: қишлоқ хўжалиги экинлари навларини тақорор ишлаб чиқариш, зарур ҳажмларда оригинал, элита ва репродуктив уруғларни ишлаб чиқариш, нав алмаштириш ва нав янгилаш бажариш билан ўз ичига олган ягона тизимни ўзида намоён ишади.

Оригинал ва элита уруғларини тақорор ишлаб чиқариш илмий муассасалар томонидан амалга оширилади. Илмий муассасалар шартнома муносабатларида бўлган тажриба ва элита уруғчилик хўжаликларида ёки тажриба-ишлаб чиқариш ташкилотларида нав оригинатори томонидан кузатиш ва назорат остида элита уруғларини етиштиришга йўл қўйилади.

Бугунги кунда пахта хомашёсини ишлаб чиқариш пахта-тўқимачилик кластерлари таркибига киритилмоқда. Шундан келиб чиқиб, Республика худудларида пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришлари ва кластерлари ташкилотчиларига берилган майдонларда уруғлик пахта хомашёсини етиштиришни молиялаштириш тартиби тўғрисидаги низом [6] қабул қилинган.

Тадқиқотлар кўрсатиб турибдики, қишлоқ хўжалиги экинлари ва уруғларини етиштириш, сақлаш ва тайёрлаш бўйича қуидаги муаммо ва камчиликлар мавжуд:

1. Қишлоқ хўжалиги экинларининг серҳосил, тезпишар, касаллик ва зааркунандаларга чидамли асл навларини яратиш ишлари қониқасиз ташкил этилган. Илмий-тадқиқот институтлари ва уларнинг филиалларини моддий-техника базаси талабга жавоб бермайди, мавжуд лаборатория жиҳозлари маънан ва жисмонан эскирган.

2. Республикада мавжуд 84 та уруғчилик лабораторияларида бирламчи (суперэлита ва элита) уруғларини кўпайтириш ишлари стандарт талабларига жавоб бермайди. Аксарият гўзаларнинг навдорлиги 85-90 фоизни ташкил этади (меъёр – 96-100 фоиз). Бошқа қишлоқ хўжалиги экинларининг бирламчи уруғ етиштириш тизими мавжуд эмас. Элита уруғлик лабораторияларини моддий-техника базаси қониқарсиз ахволда, олий маълумотли ва юқори малакали кадрлар билан 30-40 фоизга таъминланган.

3. Қишлоқ хўжалиги экинлари уруғларини етиштириш, сақлаш ва қайта ишлаш тизими мувофиқлаштирилмаган. Соҳада давлат-хусусий шериклик шартлари асосида уруғлик кла-

стерлари тизими жорий этилмаган.

4. Уруғчилик хўжаликларини танлаш тартиби талабга жавоб бермайди, танлов комиссия ва уруғ етиштирувчилар майсулияти ва жавобгарлиги белгиланмаган. 2018 йилда уруғлик майдонларда агротехник тадбирлари сифатсиз ва кечикиб ўтказилиши оқибатида уруғлик пахтанинг 9,8 минг гектар (6,8 фоиз) ёки 12,5 минг тонна ҳамда уруғлик ғалланинг 12,1 минг гектар (13,8 фоиз) ёки 39,9 минг тонна уруғлик учун яроқсиз деб топилган.

5. Сабзовот, полиз, дуккакли, озуқа, мойли экинларни уруғларини етиштириш тизими мавжуд эмас. Серҳосил, тезпишар, касаллик ва зааркунандаларга чидамли дурагайларни яратиш ва уруғларини кўпайтириш ишлари талабга мутлақо жавоб бермайди. Республикада 203 тонна сабзовот ва 56 тонна полиз уруғлари етишмайди. 2018 йилда четдан 38,6 млн. АҚШ доллар микдорида 37,5 минг тонна турли хил қишлоқ хўжалиги экинлари импорт килинган.

6. “Ўзпахтасаноат” ва “Ўздонмаҳсулот” тизимидағи уруғлик тайёрлаш цехлари эскирган. Уруғларни алоҳида сақлаш учун омборлари етишмаслиги оқибатида уруғлар товар маҳсулотлари билан бирга сақланиб, навларнинг аралашувчига йўл қўйилмоқда.

7. Уруғчилик соҳасида халқаро ташкилотлар билан алоқалар ўрнатилмаган. Инвестицияларни жалб этиш ва маҳаллий уруғларни экспорт қилиш учун шароитлар яратилмаган. Республикада халқаро талабларга жавоб берадиган лабораториялар мавжуд эмас.

Шунинг билан бирга, таъкидлаш лозимики, бирламчи уруғчилик ва янги, истиқболли навларни синаш билан шуғулланувчи элита-уруғчилик хўжаликлари, илмий-тадқиқот муассасаларининг фаолиятини ташкил этиш масалалари ҳал этилмасдан қолмоқда. Турли навдаги уруғлар ва репродукцияларни алоҳида йиғиш, шунингдек, уларни сақлаш ва қайта ишлаш шароитларига риоя этилиши устидан лозим даражада назоратнинг мавжуд эмаслиги экин материали сифатининг пасайишига ва ҳосилдорликнинг тушишига олиб келмоқда.

Бундай ҳолларда маркетинг ва ҳуқуқий тартибга солишининг самарасиз тизими қишлоқ хўжалиги экинлари уруғларининг экспортини етарли даражада амалга ошириш имконини бермаяпти, селекция ва бирламчи уруғчиликнинг лозим даражада бўлмаганлиги эса уларни импорт қилиш ҳажмининг ортишига олиб келмоқда.

Шу сабабдан мамлакатимизда маҳаллий уруғчиликни ривожлантириш бўйича бир қа-

тор чора-тадбирлар белгиланган. Биринчидан, қишлоқ хұжалиги әкінлари уругларини етиштириш бүйіча уруғчылық кластерлари ташкил этилади ва улар жойлаштырыладын аник ер майдонлари, молиялаштырыш манбалари, салохияттың инвесторлар, давлат-хусусий шериклик шартлари ва мониторинг юритиш механизмлари анықланади.

Кластерлар шу жүмладан ҳимояланған майдонларда, гидропоника ва аэропоника технологияларини құллаган қолда техник, дон, дуккакты дон, сабзавот, полиз ва бошқа әкінлар уругларини етиштириш, тайёрлаш ва сотиш билан шүгүлланади. Селекция ишлари, янги навлар ва дурагайларни етиштириш, шунингдек уруғчылық соқасыда кадрлар малакасини ошириш ҳам уларнинг вазифалари сирасыга киради.

Иккінчидан, Инновацион ривожланиш вазирилғи ҳузуридаги Уруғчылықни ривожлантириш марказининг сифатни назорат қилиш лабораториясы негизида лаборатория амалиётининг ҳалқаро стандартлари (GLP) бүйіча замонавий юқори технологиялы ускуналар билан жиһозланған қишлоқ хұжалиги әкінлари уругларининг нав, генетика ва әкиш сифат күрсаткышларини бақолаш бүйіча лаборатория ташкил этилади.

Шұбу лаборатория Уруғ сифатини назорат қилиш бүйіча ҳалқаро үвошмада (ISTA) аккредитациядан үтказилади. Инновацион ривожланиш вазирилғи ҳузуридаги Уруғчылықни ривожлантириш марказы эса ISTAg'a аъзо сифатида киритилади. Жағон бозорида босқич-ма-босқич маҳаллій уругларни экспорті йўлга күйилади.

Учинчидан, иссиқхона хұжаликлари учун жағон бозори талабларига мөс келадын, мазали сабзавот әкінларининг ҳосилдорлиғи юқори янги навлари ва дурагайлари яратылади. Бунда мавжуд генетик ресурслар ва замонавий селекция усууллари құлланылады.

2019 йилдан бошлаб етиштиришнинг гидропоника усули құлланыладын иссиқхона комплекслари учун сабзавот әкінларининг ҳосилдорлиғи ва сифати юқори бўлган, транспортда ташишга мўлжалланған, жағон бозори талабларига мөс келадын навлари ва дурагайларини яратиш бүйіча 5 йиллик давр учун илмий лойиҳаларнинг республика грант танловлари ташкил этилади.

Селекция ва уруғчылықни муваффақиятли ривожлантириш учун куйидагиларни амалға ошириш зарурлугини тадқиқотлар күрсатыб турибди:

- янги асл навларни яратышда маҳаллій ва

хорижий навлар коллекциясы ҳамда биотехнология, цитология, генетика фанларидан көнг фойдаланылып, селекция ва уруғчылық ишлери жадаллаштыриш. Молиялаштыриш учун талаб этиладын маблагнинг манбалари этиб илмий лойиҳалар грантлари, ҳалқаро-молия институтлари ҳамда навларга тұланадын устама маблаглари белгилаш;

- Уруғчылықни ривожлантириш маркази тасарруфида ҳар бир вилоятта бирламчи уругларни етиштиришга иктинослаштырылған әлита уруғчылық хұжаликларини ташкил этиш ва бирламчи уругларни етиштириш амалиётини жорий этиш;

- уруғлик етиштирувчи хұжаликлари танловларини үтказыш тартибини такомиллаштыриши, Уруғчылықни ривожлантириш марказыға юклатыш, Үзпахтасаноат" тизими-даги 34 та ва "Үздөнмаҳсулот" тизими-даги 11 та уруғлик тайёрлаш цехларини модернизация қылыш.

Шұбу ишларни амалға ошириш учун ҳар бир ҳудудда үз уруғчылық модели шакллантирилади, лекин у илмий-тадқиқот институтлари, таълим муассасалари, инновацион марказлар ва технопарклар ягона инновацион кластерге интеграциялашып ҳудудларда самарали фолият күрсатади. Модернизациялашыншын ҳар бир йұналиши бүйіча (ташкилий, техник, технологик, маҳсулот) давлат-хусусий шерикчилиги механизмининг аник инструментлари назарда тутилған (1-расм). Барча инструментлар комплекс қолда мақсадлы дастурларни ишлаб чиқыпшаға сафарбар қилиниши лозим.

Навли уруглар ишлаб чиқарувчилари ва истеъмолчилари үтасидаги иқтисодий үза-ро мұносабатларни ишлаб чиқыща уча түз-ро боғланған мақсадларга интилиш мақсадға мұвоғиқ; құшилған маҳсулотни уруғчылық тизими иштирокчилари үртасыда адолатли тақсимлаш; уларнинг фаолият натижаларига иқтисодий жағобгарлиги; барча иштирокчиларнинг манбаатларини мөс келтириш. Иқтисодий жағобгарликнинг яхши йўлга қўйилған механизми олиш учун натижә ва харажатларни бақолашыншы қиймат күрсаткышларига эга бўлиш зарур. Улар адолатли тақсимот тизимининг тузилиши, барча иштирокчилар манбаатларини мөс келтириш билан боғлиқ.

Уруғчылық тузилмалари билан уруғ истеъмолчилари үзаро адолатли мұносабатларини йўлга қўйишида баҳо белгилап етакчи аҳамиятга эга. Уруғга баҳо белгилап олтита кетма-кет босқичларни үз ичига олади: 1) уруғчылық тузилмаси фаолиятининг миссиясы ва мақсадларидан келиб чиқиб баҳо белгилаш

## Давлат-хусусий шерикчилиги

Давлат-хусусий шерикчилиги воситалари	
Давлат	Бизнес
Экинларнинг янги навлари ва ҳайвонларнинг янги зотлари селекцияси	Мамлакатимиз селекциясининг янги навлари ва ҳайвон зотларини жорий этиш
<b>Маҳсулот бўйича</b>	
Давлат бюджетдан илмий ишланмаларни молиялаштиради ва уларни жорий этишни мақсадли дастурлар, лизинг бўйича техника етказиб бериш, лойиҳаларни кредитлаш доирасида қисман молиялаштиради	
Тармоқ ИТИ ва тажриба хўжаликлари томонидан технологияларни такомиллаштириш	Бизнес томонидан юқори ва интенсив технологияларни жорий этиш
<b>Технологик жиҳатдан</b>	
Давлат тармоқ ИТИларини давлат бюджетидан молиялаштиради ва инновацион технологиялар бўйича маҳсулот ишлаб чиқаришда харажатларни қисман қоплайди	
Тармоқ ИТИлари томонидан мамлакатимизда ишлаб чиқарилётган тракторларни, комбайнларни, қишлоқ хўжалиги машиналарини такомиллаштириш	Мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган такомиллаштирилган тракторларни, комбайнларни, қишлоқ хўжалиги машиналарини жорий этиш
<b>Техник жиҳатдан</b>	
Давлат тармоқ ИТИларини давлат бюджетидан молиялаштиради ва амалга оширилаётган дастурлар доирасида мамлакатимизда ишлаб чиқарилган техникини сотиб олиш учун берилган кредитлар бўйича фоизларни қоплайди	
Давлат стратегия ва мақсадли давлат дастурларини ишлаб чиқади	Бизнес мақсадли дастурларни ишлаб чиқишида ва амалга оширишда иштирок этади
<b>Ташкилий жиҳатдан</b>	
Прогнозлаш, стратегик режалаштириш, дастурлаш, квоталаш, кредитлаш, субсидиялаш, лизинг, ҳукуқий тартибга солиш, мониторинг, кластерларни шакллантириш	

1-расм. Давлат-хусусий шерикчилиги механизми модели

масаласини қўйиш; 2) уруғчилик материалини ишлаб чиқариш харажатларини таҳлил қилиш; 3) уруғта ҳақиқатдаги ва потенциал талаб характеристикини ва миқдорини, унинг эгилувчаник даражасини ва муқобиллигини, талаб ва истеъмол динамикасини, истеъмолчиларнинг қониқиши даражасини ва бошқаларни баҳолаш; 4) рақобатдошлар томонидан бозорга етказиб бериладиган уруғ миқдорини, сифатини ва баҳосини, уларга истеъмолчилар муносабатини таҳлил қилиш; 5) ёхуд уруғ ишлаб чиқариш таннархига, ёхуд талабга, ёхуд рақобатдошларга қараладиган баҳо белгилаш методини танлаш; 6) баҳо тактикаси инструментларини ҳисобга олиб уруғга якуний баҳони ўрнатиш.

Талаб ва тақлифнинг мувозанатсизлиги (таклифнинг ошиб кетишида) шароитида уруғчилик хўжаликлари оммавий навли уруғларга баҳо белгилашда “ўртacha харажатлар+ўртacha фойда нормаси” методига ёхуд уруғ ишлаб чиқариш безарарлиги асосида баҳони ҳисоблаш методига амал қилиши мақ-

садга мувофиқ. Алоҳида хусусиятларга эга уруғ навларига баҳо белгилашда танлов методи энг яхши тарзда мос келади, янги, ҳали ўзини кўрсатмаган навларда эса – параметр (эксперт) методи мос келади. Бунда, ишлаб чиқарувчилар бутун тизимни модернизациялаш ва маҳсулот бирлигига тўғри келадиган харажатларни пасайтириш ҳисобига ишлаб чиқариш таннархини пасайтиришга интилишлари лозим.

Уруғчилик кластерининг нав яратувчилари билан ўзаро иқтисодий муносабатлари асосида селекция ютуқларига сотувчи ва ҳаридор манфаатларини қониқтирадиган, уларга тўлақонли ҳукуқ беришга ва селекционернинг интеллектуал мулкини (ројалти) баҳолаш тўғрилигига қараб илмий-асосланган баҳолар жуда кенг тарқалган.

Роялти (ингл. royalty) – лицензиат-ташкилот томонидан келишилган ваqt оралиғида лицензия битимининг амал қилиши давомида тўланадиган қатъий тарздаги ставка кўрини-

шидаги даврий ажратмалардир [6].

Роялти ставкаси уруғларга эҳтиёжни, зарур навлар миқдори, муваффакиятли навни яратиш эҳтимоли ва вақти, унинг ҳаёт цикли давомийлиги, элита уруғлари улаши, уларнинг реализация баҳоси ва таннархи, навни яратиш харажатларини ҳисобга олиб аниқланади. Роялти ставкаси омиллар йигиндисига боғлиқ; ҳукуқий муҳофаза ҳажмига; лицензия шартномаси турига; навга бозор талабига; лицензия бўйича маҳсулот ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун зарур капитал кўйилмалар ҳажмига; ўтказиладиган илмий-ишлаб чиқариш ҳужжатлари ҳажмига; лицензия бўйича маҳсулот ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун материал етказиб беришда лицензиатнинг лицензиарга боғлиқлиги ҳамда объектни ўзлаштиришда лицензиар томонидан техник (технологоик) ёрдамнинг ҳажмига. Ҳозирги даврда мамлакатимиз амалиётида роялтини баҳолашга энг асосланганни харажатли ёндошув ҳисобланади. Роялти ставкаси минимал, лекин адолатли мукофотлашни таъминлаши ва селекция ютуқларини кенгайтирилган тақор ишлаб чиқаришни юритиш имконияти бўлиши лозим.

Биз элита уруғларга давлат буюртмаси тизимини киритиши мухим деб ҳисоблаймиз. ДХШ асосида сифатли уруғлар билан таъминлашга давлат буюртмаси, бу ўсимликчилик тармоғини модернизациялашни таъминлашга имкон беради. Ҳар бир маъмурий худуд ҳоқимият органлари ва ўзини ўзи тартибга соладиган вакиллар орқали минтақада етишириладиган экинларнинг районлаштирилган уруғларни (маълум миқдор ва сифатдаги) давлат буюртмаси бўйича етказиб беришта илмий-тадқиқот институтлари билан шартнома тузиши лозим. Ўзини ўзи тартибга сочувчи ташкилотлар (бирлашмалар, уюшмалар) уруғ сифати стандартларини ишлаб чиқишни, уларни ўз вақтида етказиб бериш ва селекционерлар етказиб берган маҳсулотларга ҳисоб-китоб қилиш устидан назорат қилишини таъминлайди. Мутахассислар ҳисоб-китобига караганда, фақат қишлоқ ҳўжалиги экинларни етишириш технологиясига риоя эттан шароитда ўз вақтида нав алмаштириш ва науви янгилаш ҳисобига ҳосилдорликни 30-40 % га ошириш, маҳсулот таннархини – 35-50% га пасайтириш мумкин.

#### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг “Ўзбекистон Республикасида рақамили иқтисодиётни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2018 йил 3 июлдаги ПҚ-3832-сонли қарори. <http://lex.uz>.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг “Raқамили иқтисодиётни ривожлантириш мақсадида рақамили инфратузилмани янада модернизация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2018 йил 21 ноябрдаги ПҚ-4022-сон қарори. <http://lex.uz>.
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг “Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2018 йил 19 февралдаги ПФ-5349-сонли Фармони. <http://lex.uz>.
4. Введение в «Цифровую» экономику/ А.В. Кешелава В.Г. Буданов, В.Ю. Румянцев и др.; под общ. ред. А.В. Кешелава; гл. «цифр.» конс. И.А. Зимненко. – ВНИИГеосистем, 2017. – 28 с.
5. Глазьев С.Ю. Великая цифровая экономика. Электронный ресурс. Код доступа : <http://www.nlr.ru/news/20171130/glazjev.pdf> (дата обращения 09.10.2017).
6. Ревенко Н. С. Цифровая экономика США в эпоху информационной глобализации: актуальные тенденции // Журнал «США и Канада: экономика, политика, культура», № 8(572), 2017. с. 78-100.